

ҲЕЧ КИМНИНГ, АВВАЛАМБОР, МАРКАЗИЙ ВА МАҲАЛЛИЙ ДАВЛАТ ҲОКИМИЯТИ ОРГАНЛАРИНИНГ САЙЛОВ ЖАРАЁНИГА АРАЛАШИШИГА ЙЎЛ ҚЎЙИЛМАЙДИ.



ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ

SHU AZIZ
VATAN —
BARCHAMIZNIKI!

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

• 2009-yil • 26-sentabr • Shanba • 115 (30.076) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqq boshlagan

ЎзХДПда сиёсий ва фуқаролик маърифати

САЙЛОВОЛДИ КАМПАНИЯСИ


барчамиздан катта масъулият талаб этади

Жорий йилнинг декабрь ойда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади. Сайловолди кампанияси 22 сентябрдан эътиборан бошланди. Ушбу жараён, шубҳасиз, сиёсий партиялардан катта масъулият талаб этади. Ана шундан келиб чиқиб, ЎзХДП партия ташкилотлари тадбирларида бу масалага жиддий эътибор қаратилмоқда.

Куни кеча партияимиз Юнусобод туман кенгаши томонидан ташкил этилган давра суҳбати ҳам мамлакатимизда жорий йил сўнггида бўладиган сайловлар ва унда партиянинг муносиб иштироки масалаларига бағишланди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари ва ЎзХДП марказий, туман кенгашлари аъзолари, маҳалла фуқаролар

вожидаги иштирокимиз, ўрнимиз, давлат бошқарувидаги ролимиз ҳам кўп жиҳатдан ана шу сайловлар натижаларига боғлиқ бўлади.

— Маълумки, сиёсий партияларнинг асосий вазифаси аҳолининг маълум бир қатлами манфаатларини ифода



йиғинларидаги партияимиз фаоллари, электротар вакиллари иштирок этади.

— Жамиятимизда кечаётган ўзгариш ва янгиликлар натижасида сайлов тизими ҳам янги босқичга кўтарилди, — деди туман партия кенгаши раиси Нигора Эшметова. — Таъбир жоиз бўлса, сайлов сиёсий партиялар учун ўта муҳим синовдир. Шунингдек, бизнинг мамлакат ри-

етишдир. — деди Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси аъзоси Боймурод Юсуфов. — Биз ҳам ўз электротартибимизга таянамиз ва унинг манфаатларини қонуний воситалар орқали ҳимоя қиламиз. Демак, бугун ўз олдимизга «Биз таянадиган ижтимоий қатлам учун нима қилдик, унинг қандай муаммоси бор ҳамда уни ечиш учун нима қилиш лозим?», деган са-

волни қўйиб, сайловолди платформиани шундан келиб чиқиб шакллантиришимиз керак.

Мажлиси Қонунчилик палатасига, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар кенгашларига сайлов бўйича сайлов кампанияси бошланишини эълон қилиш тўғрисидаги қарорнинг мазмун-моҳияти ҳам сиёсий қучлар ўртасидаги соғлом рақобатни таъминлаш ҳамда уларга тенг шароитлар яратилган қаратилган. Сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар, қонунчилик такомиллаштирилиши сиёсий партиянинг ўзини янада кенг намоён этишига хизмат қилади. Мамлакатимизда сайловларнинг очиқлиги ва ошқоралигини таъминлаш масаласига ҳар доим алоҳида эътибор қаратилади. Бу гал эса сиёсий партиялар томонидан жамоатчилик назоратини қучайтиришнинг янги механизмлари ҳам вужудга келди.

Айтиш ўринлики, сайлов қонунчилигига киритилган ўзгаришлар ўз навбатида партияларнинг бўлажак сайловга иштирок этиши билан боғлиқ стратегияни ишлаб чиқишда янги нақша ва ларни талаб қилади.

Семинар сўнггида йиғилганлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

Дилафрўз ЗАЙНИЕВА
Суратлар муаллифи
Абдуси ҚАЙДАРОВ

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Ҳар қандай демократик давлатда сайловлар энг муҳим конституциявий-ҳуқуқий институт ҳисобланади. Унинг халқро эътироф этилган қоидалар асосида, адолатли, ошқора ўтказилиши демократик принципларнинг амалий намоёни бўлади. Конституцияимизнинг 32-моддасига мувофиқ, фуқаролар жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Бундай иштирок ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

ЭНГ МУҲИМ СИЁСИЙ ҲУҚУҚ

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳамда вилоят, шаҳар, туман Кенгашлари сайловларига оид қонунчиликка киритилган ўзгариш ва қўшимчалар ҳақида

Мустақиллик йилларида республикада сиёсий, давлат ва ҳуқуқий тизим изчил, босқичма-босқич модернизация қилиниши натижасида энг илғор демократик принциплар асосида сайлов қонунчилиги яратилди. Жумладан, Конституция ва сайлов тўғрисидаги бошқа қонун ҳужжатларига халқро ҳуқуқнинг сайловга оид илғор нормалари имплементация қилинди. Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги халқро пактнинг сайлов ҳуқуқига оид нормалари Конституцияимизда

ўз ифодасини топди. Унга мувофиқ, Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси ҳамда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси, вилоятлар, туманлар, шаҳарлар давлат ҳокимияти вакиллик органларига сайловлар умумий, тенг ва тўғридан-тўғри сайлов ҳуқуқи асосида яширин овоз бериш йўли билан ўтказилади. Фуқароларнинг сиёсий ва ижтимоий фаоллиги тобора кучайиб бораётганини ўтган сайловлардаги иштироки ва сайловлар натижаларига қизиқишлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Чунки мамлакатимиз

фуқаролари сайловнинг жамият ҳаётида муҳим мезон эканини тобора чуқур ағлаб бормоқда. Мустақиллик даврида халқимизнинг ижтимоий ҳаёт, давлат ва жамият бошқарувида муносабати тубдан ўзгарди. Демократик тафаккур илдиэ отди ва шаклланди. Бунда, албатта, мамлакатимиз ҳаётида муқаддам амалга оширилган сайлов жараёнлари, уларнинг тарғиботи, хулосалари ҳамда сайлов қонунчилигининг такомиллашиб бораётгани алоҳида аҳамият касб этади.

(Давоми 2-бетда)

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ» ВА «ГОЛОС УЗБЕКИСТАНА» ГАЗЕТАЛАРИГА ОБУНА ДАВОМ ЭТМОҚДА

Газета — аввало, ахборот манбаи, билимини бойитиш, дунёдан огоҳ бўлиш воситаси, инсонни ойдин манзилларга бошловчи маёқ...

Фақат шуларгина эмас, албатта. Газета — ҳаётда энг садоқатли дўст, фикрдош ва мадақдор.

«Ўзбекистон овози» ва «Голос Узбекистана» газеталари ижодий ходимлари ушбу тамойилларга амал қилишга интилиб келишмоқда.

Обуна — 2010

Азиз газетхон!

«Ўзбекистон почтаси» ОАЖ ва «Мабуот тарқатувчи» АК барча бўлимларида 2010 йил учун газеталаримизга обуна қабул қилинаёпти. Обунани ўз вақтида расмийлаштирсангиз бўлди, газеталаримиз уйингизга, ишхонангизга ўзи кириб бораверади.

«Ўзбекистон овози» газетасининг обуна индекси — 220.
«Голос Узбекистана» газетасининг обуна индекси — 120.



(Ўз мухбиримиз)

Тадбир

Бугунги шиддатли замонда ҳуқуқий билим ҳар қадамда зарур. Негаки, ҳаётнинг ўзи ҳар бир фуқародан ҳуқуқ ва бурчини билишни тақозо этмоқда. Шу маънода фуқароларнинг, айниқса, ёшларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

ҲУҚУҚИЙ МАДАНИЯТ — ЗАРУРАТ

Тошкент молия институтида ўтказилган «Ҳуқуқий маданият — миллий маънавиятнинг ажралмас қисми» мавзудаги тадбир талаба ёшлар учун ўзига хос сабоқ бўлди. Тошкент шаҳар адлия бошқармаси, Маънавият тарғибот маркази, Юнусобод туман хотин-қизлар қўмитаси, Тошкент давлат юридик институти билан ҳамкорликда уюштирилган анжуман ёшларни Конституция ва қонунларга итоат қилиб яшаш ва меҳнат қилишга хизмат этади, десак, хато бўлмайди. Ёшлар онги ва тафаккури ўзгариб бораётган бугунги кунда уларнинг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳам муҳим аҳамиятга эга.

Рашид ШОДИЕВ

Кўргазма

ЯНГИ БИНОДА

Мамлакатимизда анъанавий «InfoCom-2009» Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги бўлиб ўтди. Мазкур ҳафталик доирасида Тошкент ахборот технологиялари университети Нукус филиалининг янги қуриб фойдаланишга топширилган биносидан «ICTExpo-2009» миллий ахборот технологиялари кўргазмаси ташкил этилди. Уч кун давом этган кўргазмада республика ва қўшни Хоразм вилоятида ахборот-коммуникация технологиялари соҳасида фаолият юритаётган корхоналар ўз маҳсулотлари ва хизмат турларини намойиш қилишди. Кўргазма ва ТАТУ Нукус филиалининг янги биноси очилишига бағишланган тантанали маросимда Қорақалпоғистон Республикаси Жўрғи Кенгеси раиси Муса Ерняязов қатнашди.

(Ўз мухбиримиз)

ЯШНАЁТГАН ШАҲАР

2

ОГОҲЛИК СОҒЛИҒИМИЗНИ САҚЛАЙДИ

3

«ИШОНЧНИ ОҚЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ»

4

O'zbekiston havo yo'llari

TOSHKENT

XALQARO AEROPORTI

Хизматлар лицензияланган

Тошкент вилояти, Тошкент тумани ҳудудида жойлашган «Навой» чегара масканида «Грипп кўзгатувчилар ва Крим-Конго геморрагик иситмани трансчегаравий кириб келиши (олиб ўтиш)га йўл қўймаслик бўйича вазирлик ва идораларнинг эпидемияга қарши ҳамкорликда мувофиқлаштирилган профилактик, кўргазмали махсус-тактик ўқув машқи эҳтимоли бўлган хавф-хатарнинг олдини олиш ва унинг оқибатларини бартараф этишга бағишланди.

ОГОҲЛИК СОҒЛИҒИМИЗНИ САҚЛАЙДИ

Тадбирни ўтказишдан асосий мақсад санитария ва эпидемиология ҳамда ветеринария хизматлари ходимлари томонидан янги А/Н1Н1 гриппи ҳамда ўта юқумли ҳисобланган Крим-Конго геморрагик иситмаси касалликларини бошқа давлатлардан республикамиз ҳудудида кириб келиши ва тарқалишининг олдини олиш борасидаги тадбирларни янада такомиллаштиришдир.

Шунингдек, республика ва чет эл фуқароларининг давлат чегарасини кесиб ўтиш вақтида тиббий-санитар кузатувни тўғри ташкил этиш борасида-



ги назарий ва амалий кўникмаларни янада мустаҳкамлашдан иборат.

Кенг қамровли тадбирнинг айнан шу божжона масканида ўтказилиши ҳам беҳиз эмас. «Навой» чегара маскани пой-

тахтга кириб келувчи меҳмонлар ҳамда шаҳардан четга чиқувчи фуқаролар, шунингдек, турли русумдаги автоуловлар қатнови учун энг қулай ва яқин бўлган ҳудудлардан бири саналади. Бу ерда фаолият олиб бораётган давлат чегараларини кўриқлаш хизмати, Сани-

нинг ҳаракатларини яна бир бор маҳорат синовидан ўтказдилар.

Машқнинг дастлабки босқичи поёнига етгач, тадбир ташкилотчилари ва иштирокчилари Тошкент тумани ҳокимлиги биносидан тўплашди. Фавқулодда вазиятлар вазири, махсус-тактик ўқув машқи раҳбари генерал-майор Қ.Аҳмедов раислигида ўтган йиғилишда соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари — Республика бош санитар врач Бахтиёр Ниёзматов тегишли ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилаётган профилактик чора-тадбирлар натижасида юқорида қайд этилган касалликлар бўйича республикамизда барқарор эпидемик-эпизоотик вазият сақланиб қолаётганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Аммо бу хотиржам ва лоқайдликка асос бўлмастлиги, ҳар бир фуқаро касалликка қарши курашиши, тийрак нигоҳ билан мушоҳада қилиши зарурлиги ўқтирилди.

Зеро, огоҳлик одамлар осойишталиги ва соғлигини сақлашида муҳим ўрин тутади.

Азамат СУЙОНОВ,
журналист.

БЕҚАРОР ВАЗИЯТ

тўсқинлик қилмоқда

Гондурасда юзага келган беқарор вазият жорий йилнинг 29 ноябрга белгиланган президент сайловида тайёргарлик кўриш ва очик демократик сайлов ўтказишга, ўзаро ишончга тўсқинлик қилмоқда. БМТ Бош котиби Пан Ги Мун бу ҳақда баёнот берди.

Гондурасда айнан беқарор вазият ҳужм сураётгани учун БМТ ўз вакилларининг Гондурасдаги сайлов жараёнига тайёргарлик кўриш ишларида иштирок этишини ҳамда Гондурас Олий сайлов трибуналининг техник қўллаб-қувватловчи ёрдами беқарор қилди.

БМТ Бош котиби Гондурасдаги сиёсий инқирозни тинч йўл билан ҳал этиш ва бунда воситачи давлатлар ёрдами кераклигини алоҳида таъкидлаб, қўшни давлатлар маъмуриятларини бу ишга ёрдам қўлини чўзишга даъват этди.

Гондураснинг вақтинча раҳбари Роберто Мичелетти мамлакатнинг қонуний, лекин тахтдан ағдарилган президенти Мануэл Селай билан мулоқотга киришишга розилигини билдирди, агар у ноябрь охирида бўлиб ўтадиган сайлов натижаларини тан олса. Аммо шунинг таъкидлаш лозимки, Гондураснинг ҳозирги маъмурияти Селайнинг президентлик лавозимини қайта эгаллашига тиш-тирноғи билан қарши.

Халқро ҳамжамият эса Мануэл Селай давлат раҳбарлиги лавозимига сайловдан аввал қайтмас экан, сайлов натижаларини тан олмаслигини билдирди.

Кўни кеча эса Бразилия Гондурасдаги вазиятни тезроқ юмшатиш ва бунинг йўлларини муҳокама этиш



Талқин

учун БМТ Хавфсизлик Кенгашининг фавқулодда мажлиси чақирилишини талаб қилди. Хавфсизлик Кенгашига бу ойда раислик қилаётган АҚШ эса Бразилия талабини маъқуллади.


Маълумки, жорий йилнинг июнь ойи охирида Гондурасда давлат тўнтарыни амалга оширилиб, президент Мануэл Селай тахтдан ағдарилган.

Селай ҳукумат қўшини томонидан қўлга олиниб, мамлакатдан чиқариб юборилган (Коста-Рикага).

Ҳозир Селай Гондурасга қайтган, гарчи амалдаги ҳукумат у мамлакатга қайтса, қамқоққа олиниши ҳақида огоҳлантирган бўлса-да.

Айни дамда Селай Бразилиянинг Гондурасдаги элчихонасидан бошпана топан. Ҳозир мамлакатда комендантлик соати қайта жорий этилган. Лекин шундай бўлса-да, Селай тарафдорлари оммавий норозилик намойишларини уштурмоқда.

Манбалор асосида
Алимбек ТОШБЕК тайёрлади.



ЎЛИМ ЖАЗОСИ

қайта амалга киритилишини таклиф этди

Ўлимга маҳкум этилган жиноятчини жамоат олдида қатл этиш, яъни жазо ҳукмини ижро этиш таклифи ўртага ташланди, дейилади «Интерфакс» АА хабариди. Шу йўл билан мамлакатда жиноятчиликни камайтириш мумкин, дея ҳисобланмоқда.

Жумладан, «АКИпресс» АА хабар беришича, республика Хавфсизлик кенгаши котиби Адахан Мадумаров мамлакатда ўлим жазосини қайта тиклаш таклифи билан чиқди. Давлат миллий хавфсизлик кўмитаси раҳбари Мурат Суталинов эса ўлим жазоси ҳукмини жамоат олдида ижро этиш ва бу усул жиноятчиликнинг камайишига олиб келиши ҳақида фикр билдирди. Айнан бу мавзудаги фикрлар мамлакат диний экстремизмга қарши олиб борилаётган амалий чоралар юзасидан ўтказилган мажлисда ўртага ташланди ва муҳокама қилинди. Мажлис якунида ўлим жазосини қайта тиклаш масаласини кўриб чиқиш таклифини Хавфсизлик кенгаши раиси, республика президенти Курманбек Бакиев эътиборига ҳавола этиш ҳақида қарор қабул қилинди.

Қарор ва ижро

Одамлар азалдан оғирни энгил қилувчи хизмат турларига эҳтиёж сезиб келган. Ҳозир халқ ҳужалигини модернизациялаш ва мамлакат тараққиётини таъминлаш борасида сервис хизматига алоҳида аҳамият берилмоқда. Айниқса, янги замонавий хизмат турларини амалга оширишга йўналтирилган корхоналар фаолиятини қўллаб-қувватлашга жиддий эътибор қилинаётир.

ИМТИЁЗЛИ СОЛИҚ ВА ЯНГИ ИШ ЎРИНЛАРИ

релидан бошлаб уч йил мuddатга даромад (фойда) солиғи ва ягона солиқ тўловини тўлашдан озод этилган. Сервис хизматлари турларини кенгайтириш мақсадида 2007 йили Юртбошимизнинг яна бир қарори қабул қилиниб, микрофирмалар ва кичик корхоналар учун аввалги қарорда белгиланган солиқ имтиёзларининг амал қилиш мuddати 2012 йилнинг 1 январига узайтирилди. Бу шу соҳада фаолият юритаётганлар учун алоҳида ғамхўрлик бўлди.

Мазкур қарорларда белгиланган солиқ имтиёзларини амалда қўллаш ўзининг самарасини бер-

моқда. Вилоятда 2006 йилда 48 та ҳўжалик субъектига 27,8 миллион сўм, 2007 йилда 60 та ҳўжалик субъектига 34,3 миллион сўм, 2008 йилда 67 та ҳўжалик субъектига 38,5 миллион сўм миқдорда солиқ имтиёзлари қўлланган эди. Таҳлиллар имтиёзли солиқ солиш механизми ўзини оқлаётганини кўрсатмоқда. Жумладан, 2009 йилнинг шу даврига қадар замонавий истикболли хизмат турларини кўрсатаётган юридик шахслар 75 тани ташкил қилиб, улар томонидан кўрсатилган хизматлар ҳажми 425,3 миллион сўмни, мазкур

корхоналар ишчи-хизматчиларига ҳисобланган иш ҳақи фонди 102,6 миллион сўмни ҳамда қўлланган солиқ имтиёзлари 42,8 миллион сўмни ташкил қилди. Ушбу корхоналарда иш билан банд бўлганлар сони 400 кишидан ошиб кетди.

Энг долзарб хизмат турларини амалга оширувчи молия ва банк хизматларини кўрсатиш билан шўғулланаётган юридик шахслар ҳозирги кунга келиб 9 тани ташкил қилади. Уларга 6,2 миллион сўм миқдорда солиқ имтиёзлари қўлланилди. Натижада бу имтиёз туфайли уларнинг

иш ҳажми кўпайди, янги-янги иш ўринлари пайдо бўлди.

Халқимизга замонавий хизматларни кўрсатаётган субъектларга берилаётган имтиёзлар ва уларга яратилаётган шарт-шароитлардан асосий мақсад — аҳоли фаровонлигини ошириш ва уларга муносиб шарт-шароитлар яратиб беришдан иборат. Замонавий ва сифатли сервис хизматини кўрсатувчиларга қийнандирма кўрсатиш, имтиёзларни тўғри қўллаш ҳамда ҳолис ҳисоб юришти Эса солиқчиларнинг асосий бурчидир. Зеро, солиқ тўловчи кўпайса, мамлакат иқтисодий таянчи мустаҳкам бўлади.

Рустам ҚўЧҚОРОВ,
Сурхондарё вилоят
давлат солиқ
бошқармаси бошлиғи.

«Агробанк» очик акциядорлик тижорат банкнинг Хоразм вилоят бошқармаси жамоаси асосий эътиборни банкнинг капиталлашув даражасини ошириш, иқтисодийнинг реал сектори базавий тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, модернизациялашга йўналтирилган инвестицион лойиҳаларни кредитлаш, қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш ҳамда соҳа корхоналари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратиб келмоқда.

Айни чоғда кичик бизнес субъектлари томонидан тақдим этилган лойиҳаларни молиялаштириш, аҳолининг бўш пул маблағларини банк айланмасига жалб қилиш, банк инфратузилмасини, хусусан, ҳудудий филиаллар тармоғини ҳамда миқозлар базасини, банк хизмати ва маҳсулот турларини кенгайтириш, омонатчилар, акциядорлар ҳамда банкнинг бошқа кредиторлари манфаатларини ҳимоялаш каби устувор масалалар ҳам ривожлантирилди.

Банк капиталли 2009 йил 1 сентябрь ҳолатига 8 миллиард 166 миллион сўмни ташкил этди ва йил бошига нисбатан 129 миллион сўмга яқин ошди, бунда устав капиталли ҳисобот даврига 3 миллиард 331 миллион сўмни ташкил қилди.

Банк бўлимлари томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш бўйича олиб борилган ишларда ҳам ижобий натижаларга эришилди. 2009 йил 1 сентябрь ҳолатига омонат-

лар қолдиғи ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 3 миллиард 351 миллион сўмга ўсишга эришилди.

Тўлов пластик картларидан фойдаланишни кенгайтириш ҳисобига нақд пулсиз ҳисоб-китоблар ҳажми ўсди, банк-оматлар ва терминаллар сони ортди, пластик картлар орқали иш ҳақларини ҳисоб-китоб қилувчи корхоналар сони 310 тага етказилди. Савдо дўконларига жами 670 та терминаллар ўрнатилди. Улар орқали ҳисобот даврида 11 миллиард 543 миллион сўмлик айланмалар амалга оширилди. «Агробанк»нинг туман филиаллари томонидан жами 74421 та пластик картлар тарқатилган. 2009 йил 1 сентябрь ҳолатига тарқатилган пластик картлар ҳисобрақамларидаги жами қолдиқ 3 миллиард 820

1,090 миллион сўмлик узок мuddатли банк истеъмол кредитлари ажратилди. Президентимизнинг Ёш оилаларни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга доир фармонига асосан банкда ёш оилаларга имтиёзли равишда истеъмол кредитлари жорий қилинди.

Жумладан, 118 та ёш оилага 414 миллион сўм миқдорда истеъмол кредитлари ажратилди. Масалан, Богот туманида яшовчи Азамат Ибрагимов, Хонқа туманида яшовчи Ойбек Султонов ва Урганч шаҳрида яшовчи фуқаро Улўғбек Давлатовга уй жиҳозлари ва маиший техника сотиб олиш учун истеъмол кредитлари берилди. Улар эса ушбу кредит ҳисобига маҳаллий корхоналарда ишлаб чиқарилган мебель, совутигчи ва телевизор сотиб олишди.

Иқтисодийнинг реал сектори корхоналарини экспортга йўналтирилган ва импорт ўрини босувчи

қариш ускунаси сотиб олиш учун 99,5 миллион сўм, Қоровул филиали томонидан хизмат кўрсатилаётган «Турон Замин»МЧЖ га мева-сабзавотни қайта ишлаш учун 200 миллион сўм, Хазорасп филиали томонидан «Хазорасп санаот қошонаси» хусусий корхонасига сутни қайта ишлаш учун 30 миллион сўм миқдорда лойиҳа тайёрланиб, банкнинг ўз маблағи ҳисобидан кредит ажратилди. Янги-ариқ филиалига қарашли бўлган «Янгиариқ савдо» шўъба корхонасига нон маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш учун 50 миллион сўм миқдорда кредит берилди. Хива филиалига қарашли бўлган «Ўзбекистоннинг» ташкилотига 50 миллион сўм миқдорда кредит ажратилди.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва ички бозорни тўлдириш юзасидан ҳам бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, соҳа вакилларига жорий йил 1 сентябрь ҳолатига 2 миллиард 493 миллион сўмлик кредитлар ажратилди.

Мева-сабзавот ва чорвачилик маҳсулотларини қайта ишлашга мўлжалланган инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш бўйича банкнинг Богот филиали томонидан «Бешарик сут» МЧЖга 50 миллион сўм, Янгибозор филиали томонидан «Ўрикзор» ҳўжалигига 100 миллион сўм, Қоровул филиали томонидан «Баҳром» ҳўжалигига 85 миллион сўм ва Шовот филиали томонидан «Шохрух 2001» ҳўжалигига 150 миллион сўм миқдорда кредитлар ажратилди.

АГРОСАНОАТ МАЖМУИНИНГ МОЛИЯВИЙ ҲАМКОРИ



миллион сўмни ташкил қилмоқда.

«Агробанк» Хоразм вилоят бошқармаси жамоаси хизмат кўрсатилаётган миқозлар сонининг барқарорлигини таъминлаш ҳамда янги корпоратив миқозларни жалб қилиш мақсадида жорий йил давомида қатор тадбирларни амалга оширди. Шу боис миқозлар сони 16909 тага етди ва йил бошига нисбатан 969 тага кўпайди. Уларнинг қатна қисми фаолияти бевосита қишлоқ ҳўжалиги ишлаб чиқариши билан боғлиқ бўлиб, жами қишлоқ ҳўжалиги корхоналари сони 11367 тани ташкил этмоқда.

Бошқарма филиаллари тасарруфида Вазирлар Маҳкамасининг қарорларига асосан ва банк ташаббуси билан ташкил қилинган жами 74 та мини банк фаолият кўрсатиб келмоқда.

Бошқарма томонидан аҳоли турмуш тарзини яхшилаш, уларни замонавий уй жиҳозлари, мебель ва маиший техника билан таъминлаш мақсадида 2009 йил 1 сентябрь ҳолатига 1538 фуқарога



маҳсулот ишлаб чиқаришини таъминлашга қаратилган инвестиция лойиҳаларини молиялаштириш юзасидан бир қанча ишлар амалга оширилди. Жумладан, банкнинг Гурлан филиали томонидан «Гурлан савдо» шўъба корхонасига макарон ишлаб чи-

фаровонлигини янада ошириш, иқтисодий барқарорлиқни таъминлаш борасида қатор ишлар амалга оширилмоқда. Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилда ушбу ишлар қўлами янада кенгайди. Президентимизнинг «Агробанк» акциядорлик тижорат банкни ташкил этиш тўғрисидаги қарори ана шундай ишларнинг ёрқин далилидир. Унда аграр соҳа, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини, иқтисодийнинг реал сектори базавий тармоқларини молиявий қўллаб-қувватлаш, мамлакатда амалга оширилаётган модернизация ишларига йўналтирилаётган инвестицион лойиҳаларни кредитлаш, банк хизматларини янада кенгайтириш ҳамда сифатини мустаҳкамлаш каби устувор вазифаларга алоҳида эътибор қаратилган. Бу вазифаларнинг амалга оширилиши иқтисодийнинг барқарор ривожланишига, аҳоли фаровонлиги янада ошишига хизмат қилади.

Шоҳадор МИРҲАБИБОВ,
Мирхаттир МИРҲАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари.

«ИШОНЧНИ ОҚЛАШГА ҲАРАКАТ ҚИЛАМИЗ»

24 сентябрь куни Мисрда футбол бўйича ёшлар ўртасида XVII жаҳон чемпионати бошланди

24 сентябрь куни Мисрнинг Александрия шаҳрида ўтказилган Миср — Тринидад ва Тобаго ёшлар терма жамоалари («А» гуруҳи) учрашуви ажойиб

Уругвай («Д») футболчилари майдонга чиқадилар. Хабарингиз бор, 9-21 сентябрь кунлари Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Испаниянинг Аликанте шаҳрида сўнгги ўқув-машғулот

(«Машъал») жиддий жароҳати туфайли Миср майдонларида ўзини кўрсата олмайдиган бўлди.

— Жаҳон чемпионатидек нуфузли мусобақада Ватан ва миллат шаънини муносиб ҳимоя қилиш асосий мақсадимиздир, — деди мамлакат ёшлар терма жамоаси бош мураббийи Аҳмадjon Убайдуллаев сафар олдида журналчиларга берган интервьюсида. — Тўғри, биз кучли терма жамоалар билан бир гуруҳдан жой олганмиз. Аммо бундан чўчиётганимиз йўқ. Аслида жаҳон чемпионатида кучсизлар йўлдан олмайди. Шунга яраша тийёрлик кўрилади. Испания, Англия, Австрия, Германия каби Европа мамлакатларида йиғинлар ташкил этдик. Барча шарт-шароитларни яратиб бергани учун ҳукуматимиз ва Ўзбекистон футбол федерациясига катта раҳмат! Биз бундай юксак ишончи чиройли ва ҳужумкор ўйинчи билан оқлашга ҳаракат қиламиз.

Ҳа, ёшлар терма жамоасини олдинда жиддий учрашувлар кутмоқда. Футболчиларимизга нуфузли мусобақада фақат омад ва галаба ёр бўлишини тилаймиз.



Баркамол авлод орзуси

Мамлакатимиз таълим тизимида олиб борилаётган ислохотлар натижасида юртимизнинг чекка-чекка қишлоқларида ҳам энг замонавий кўринишдаги ва барча қулайликларга эга бўлган коллежлар қурилиб фойдаланишга топширилмоқда.

ЯНА БИР ЯНГИ КОЛЛЕЖ

Мамлакатимизнинг энг улуғ, энг азиз байрами — Мустақиллигимизнинг 18 йиллик шодлиғаси кунларида Самарқанд вилоятининг Тайлоқ туманида Иқтисодиёт ва сервис касб-ҳунар коллежи фойдаланишга топширилди.

— Таълим даргоҳимиз 825 ўринга мўлжалланган бўлиб, бу йил билимга чанқоқ ҳамда интилувчан 420 нафар ўғил-қизларни ўқишга қабул қилдик, — дейди коллеж директори Мансурхон Ҳамроев. — Ҳозирда ўқув масканимизда кунт билан таълим олаётган

ёшларга 50 нафар ўқитувчи-мураббий олтига йўналиш — молия, бухгалтерия ҳисоби, банк иши, компьютерларни ўрнатиш ва таъмирлаш, тикувчилик, ёнлиги, мойлаш материаллари билан ишлаш ва автомобилларни тузатиш бўйича ёшларга таълим бериб келмоқда.

Коллеж энг замонавий жиҳозлар билан таъминланган. Ўқувчилар ўз билимларини амалиётда қўллаш учун махсус устахона, ахборот-ресурс маркази, компьютер хоналари бор. Шунингдек, шинам стадион талабалар ихтиёрида. Ёшлардан эса талаб битта: бундай имкониятларга яраша ўз танлаган касблари бўйича яхши ўқиб, малакали мутахассислар бўлиб етишиш.

Бир сўз билан айтганда коллежда яратилган шароитлардан ўқитувчи-ю ўқувчилардан тортиб ота-оналаргача мамнун.

Тоштемир ХУДОЙКУЛОВ,
Хусан ТЎҒИЗОВ
олган суратлар.



иб футбол байрамини бошлаб берди. «Borg El Agab» стадионида саксон мингдан зиёд томошабин гувоҳлигида кечган ушбу ўйин мезонларнинг йирик — 4:1 ҳисобидаги галабаси билан якунланди.

Кеча дастлабки тур баҳслари давом эттирилди. Унда Парагвай — Италия («А» гуруҳи), Нигерия — Венесуэла, Испания — Таити («В») ёшлар терма жамоалари ўзаро куч синашдилар.

Бугун эса мухлислар бир йўла тўртта ўйиннинг гувоҳи бўлишди. Унда АҚШ — Германия, Камерун — Жанубий Корея («С»), Гана — ЎЗБЕКISTON, Англия —

йиғинини ташкил этган. Улар Мисрда Европа қитъаси орқали йўл олишганди. Охириги ташкил этилган йиғин мобайнида футболчиларимиз жаҳон чемпионати қатнашчилари — Гондурас (1:0), Коста-Рика (0:3) ёшлар терма жамоалари билан ўртоқлик учрашувларида ўз омадларини синаб кўришди. Мундиалга йўл олган йиғирма бир нафар футболчининг асосини ўтган йили Саудия Арабистонида ўтказилган Осиё чемпионатида тўп сурган йиғинчилар ташкил қилади. Фақатгина Осиё чемпионати кумуш медали совриндорли, иқтидорли ярим ҳимоячи Фозил Мусаев

Tashkent open:

ХАЛҚАРО ТУРНИР ҚИЗГИН ДАВОМ ЭТМОҚДА



Пойтахтимизда теннис бўйича аёллар ўртасида WTA Tour таснифида кирувчи Tashkent open халқаро турнири қизгин давом этмоқда. Тошкент Олимпия захиралари теннис мактаби кортларида ўн биринчи мартаба ўтказилаётган бу мусобақада Германия, Россия, Руминия, Исроил, Украина, Беларусь, Португалия, Швейцария сингари дунёнинг йиғирмадан зиёд давлати тен-

нис усталари голиблик учун кураш олиб боришаётир. Tashkent open халқаро турнирининг бу йилги соврин жағфармаси ҳар қачонгидан-да ошган. Мусобаканинг умумий мукофот жағфармаси — 220000 АҚШ долларидир. Эътиборли жиҳати, бу йилги баҳсларга WTA таснифига кучли юзликдан жой олган бир қатор таникли теннисчи-лар Тошкент кортларида ўз

омадларини синаб кўришмоқда. Жумладан, мухлислар Иона-Ралуки Олару (WTA таснифига 54-ўрин), Моника Никулеску (73, иккаласи ҳам Руминиядан), қозғистонлик Ярослава Шведова (61), Галина Воскобоева, беларуслик Ольга Говорцова (63), исроиллик Шахар Пеер (66), швейцариялик Стефани Воделе (76) каби ракеткачиларнинг маҳоратидан баҳраманд бўлишаётир. Шунингдек, турнирнинг асосий тур баҳсларида иқтидорли теннисчимиз Оқул Омонмуродова, умидли ёшларимиз Александр Колесниченко, Нигина Абдураимовалар тўғрисида тўғри ишторак этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

Мусобаканинг яққалик баҳсларида умидли ракеткачиларимиздан Александр Колесниченко дастлабки босқичда россиялик Весна Манасиевага ютқазиб қўйганда — 1/6, 1/6. Аҳамиятлиси, биринчи

давра учрашувлари Нигина Абдураимова ҳамда Оқул Омонмуродовалар учун муваффақиятли якунланди. Жумладан, Нигина Леся Цуренко (Украина)ни икки партияда (6/3, 6/2) катта устунлик билан енгган бўлса, Омонмуродова ҳамда Ксения Лукина (Россия) ўртасидаги баҳс уч партия давом этди — 6/1, 4/6, 6/3.

Иккинчи босқичда умидли теннисчимиз Нигина Абдураимова турнирнинг бешинчи ракеткаси швейцариялик Стефани Воделе билан куч синашди. Унда ҳамюртимизга бироз омад етишмади — 2/6, 7/5, 3/6. Мамлакатимизнинг етакчи ракеткачиси саналган Оқул Омонмуродова эса нимчорак финалда россиялик Екатерина Бичковадан устун келди — 4/6, 7/5, 7/6.

Кеча яққалик баҳсларининг чорак финал учрашувлари ўтказилди. Унда Александра Панова (Россия) — Шахар Пеер (Исроил), Дария Кустова (Беларус) — Ольга Говорцова (Беларус), Ярослава Шведова (Россия) — Моника Никулеску (Руминия), Оқул Омонмуродова — Стефани Воделе (Швейцария)лар ўзаро куч синашдилар.

МИЛЛИЙ ЭСТРАДА:

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФ

Ўзбекистон Давлат консерваториясида «Истиклол даври ўзбек миллий эстрада санъатининг долзарб муаммолари» мавзусида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Унда миллий эстрада санъатининг бугунги кундаги муаммолари ва ечимлари, хонанда, бастакор ва шоир ҳамкорлигини мустаҳкамлаш, санъат бўсағасида турган ёш ижодкорларни қўллаб-қувватлаш, мазмунан теран, бадиий жиҳатдан мукамал, кенг қамровли мавзуларда қўшиқ яратишга доир маърузалар тингланди. Нотиклар эстрадаимизнинг бугунги ютуқлари билан биргаликда миллий мафкураимизга хизмат қилмайдиган енгил-елпи қўшиқлар, клипларга ҳам эътибор қаратишди. Шундан сўнг анжуман иштирокчилари — олимлар, шоир ва ёзувчилар, бастакорлар, мусикашунослар, мутахассислар талаба-ёшлар мавзу юзасидан ўзаро баҳс ва мунозара юритдилар, эстрадаимизни миллий кадрларимизга мос равишда ривожлантириш бўйича таклифлар билдирди.

Анжуман ташкилотчилари — Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси, Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат ва жаҳмият қурилиши академияси, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси бундай тадбирларни изчил ўтказиб туришга қилишиб олдилар.

Абдусалим МАҲМУДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

«ЁШЛИК» ЁШЛАРНИ ЧОРЛАЯПТИ

«Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик компанияси маблағи эвазига Когон шаҳрида 2 қаватли болалар спорт мажмуаси қурилиб, фойдаланишга топширилди.

2,2 миллиард сўм сарфланган бу «Ёшлик» спорт мажмуасида кураш, бокс, баскетбол, волейбол, стол тенниси, шахмат-шашка, тренажёр хоналари, 2 минг томшабин сигадаган футбол ўйингоҳи ўрин олган.

Даврон БАҲРОНОВ

ШОИР НОМИДАГИ ЎҚУВ ХОНАСИ

Гулистон давлат университетининг филология факультетида Ўзбекистон халқ шоири Тўра Сулаймон номидаги ўқув хонаси очилди.

Тўра Сулаймон университет талабалари билан тез-тез учрашувларда бўлар, иқтидорли ёшлар даврасида бадиий ижод сир-синаотлари ҳақида машғуллар ўтказарди. Тил софлигига доир маъруза ва суҳбатлари, матбуотдаги долзарб чиқишлари учун унга университетнинг фахрий профессори унвони берилган эди.

(Ўз мухбиримиз)

БИР-БИРИГА ЎХШАМАГАН ЎЙИНЛАР

пайдо қилиши аввалдан кутилганди. Бу эса «Ал-Идтиҳод» футболчиларининг Тошкентда дуранг натижа қайд этишлари учун имконият яратиб берди. Учра-

шувнинг 5-дақиқасида «Пахтакор» жамоаси ярим ҳимоячиси Милан Николитч хисобни очган бўлса-да, аммо мезонлар ўйин охиригача бу галабани сақлаб қолишнинг уддасидан чиқа олишмади. Пахтакорчилар ҳимоя чизигидаги палапартлишлардан унумли фойдаланган Ал-Сақри 72-дақиқада ўртадаги мувозанатни тиклади — 1:1.

Мазкур босқичнинг қолган икки учрашуви қуйидагича якунланди: «Кавасак Фронтоле» — «Нагоя Грампус» (иккаласи ҳам Япония) — 2:1. «Умм салал» (Катар) — «ФК Сеул» (Жанубий Корея) — 3:2.

Чорак финалнинг жавоб учрашувлари 30 сентябрь куни ўтказилиши белгиланган.

Эркин ХОЛБОЕВ



Футбол бўйича Осиё чемпионлар лигаси чорак финал босқичининг дастлабки учрашувлари ўтказилди. Унда юртимиз шарафини ҳимоя қилаётган Тошкентнинг «Бунёдкор» жамоаси ўз майдонида Жанубий Кореянинг «Паханг Стилерс» футболчиларини қабул қилди.

Гарчи, учрашувнинг 7-дақиқасида меконлар ҳисобни очган бўлса-да, қолган дақиқаларда майдонда уюшқоқлик билан тўп сурган бунёдкорчилар рақиб дарвозасини уч мартаба аниқ нишонга олишининг уддасидан чиқишди — 3:1. Тўпларни ҳамюртларимиздан Виктор Карпенко ҳамда Сервер Желпаров (Икита) киритдилар.

Чорак финалнинг яна бир ўйини Тошкентда «Пахтакор» ҳамда Саудия Арабистонининг «Ал-Иттиҳод» жамоалари ўртасида бўлиб ўтди. Миллий чемпионат иккинчи давра баҳслари олдида таркибини Игнати Нестеров, Зайниддин Тожиев, Исроил Иномов, Садриддин Абдуллаев каби етакчи ўйинчилар тарқ этганлиги, қолаверса, ҳисобидаги сариқ карточкалар сони иккитага етганлиги боис Дилшод Шарофидинов, Фарход Тожиевларнинг саудияликларга қарши майдонга туша олмагликлари пахтакорчилар учун маълум муаммоларни

BOSH MUHARRIR:

Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:

Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Asliddin RUSTAMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'afhor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihidin MUHIDDINOV
Svetlana GERASIMOVA
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:

O'ZBEKISTON XALQ
DEMOKRATIK PARTIYASI
MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLARI:

Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
(Tel. Faks) 233-21-43
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36,
233-44-55
Jamoaatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55,
233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83,
236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:

Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 233-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 233-83-73
Namanganda — 226-43-43
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:

100000, TOSHKENT,
MATBUOTCHILAR
KO'CHASI, 32-UY.
e-mail:
info@uzbekistonovozi.uz

Navbatchi:
Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning computer markazida teriladi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar:
Sobirjon TUNG'ATOV,
Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxonaning manzili:
Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuoti va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan. Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taqob. Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.

«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 849

8239 nusxada bosildi

Tijorat materiallari

ISSN 2010-7633

O'za yakuni — 20.20
Topshirilgan vaqti — 21.45
1 2 3 4 5 6 7 8

Sotuvda erkin narxda